Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий газетаси

Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!

# Туркистон

1995 йил 13 сентябрь. Чоршанба. № 35 (14287) تركستان ✻ TURKİSTAN Сотувда эркин нархда

## ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

12 сентябрь куни Ҳиндистон Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Мелкулангара Кумаран Бхадракумар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.

Элчи ўзбек ва ҳинд халқлари ўртасидаги ўзига хос тарихга эга дўстона алоқаларнинг кундан кун ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди ва бу муносабатларни янада ривожлантириш учун қўлидан келган барча ишни амалга оширишини маълум қилди.

Ислом Каримов элчининг шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинлангани билан табриклаб, халқларимиз ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва бошқа-соҳалардаги ҳамкорлигини тараққий эттиришда унга муваффақият тилади.

***

Шу куни Замбиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Нчимуния Жон Сикаулу ҳам Президент Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.

Элчи Ўзбекистон раҳбарига Замбия давлати Президентининг қизғин саломини йўллар экан, Ўзбекистон Марказий Осиёдаги йирик мамлакат сифатида минтақадаги тинчлик ва барқарорликни таъминлашда муҳим ўрин тутишини таъкидлади. Ўзбекистон билан Замбия ўртасидаги муносабатларнинг асослари эндигина ярatила бошлаганини қайд этди.

— Бу алоқаларни юксак даражага кўтаришда ўзимнинг муносиб ҳиссамни қўшиш имкониятидан унумли фойдаланиш ниятидаман, — деди у, жумладан.

Ислом Каримов Нчимуния Жон Сикаулуни шарафли вазифа билан қутлади. Ўзбекистон Республикаси билан Замбия ўртасидаги муносабатларнинг икки мамлакат халқлари манфаатлари йўлида равнақ топишига ишонч билдирди.

Маросимларда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

(ЎзА).

## ТУРКИСТОН — УМУМИЙ УЙИМИЗ

«Тасаввур қилингки, ота юртимиз Туркистон — катта бир уй, буюк бир рўзғор, буюк бир оила. Бу оила фарзандлари қанчалик яқин ва аҳил бўлса, рўзғор ҳам шунчалик обод ва тўкин бўлади. Бундан чиқадиган хулоса: Марказий Осиё минтақасида ҳам иқтисодий, ҳам маънавий жиҳатдан ягона муҳит ташкил қилиш — бугунги куннинг энг долзарб масаласидир».

Ислом КАРИМОВ

### ШОДЛИГИМНИНГ ЧЕКИ ЙЎҚ

Шодлигимнинг чеки йўқ, дўстим,
Пайғом олдим, олам — бир жаҳон.
Келаётир барчани қучгим,
Яна қайтмоқдадир Туркистон!

Қуллик бизни ажратган эди,
Учраштирди нурли истиқлол.
«Собиқ» сўзи кўп жонга тегди,
Эртамизни ўйлайлик алҳол.

Ким эдигу ким бўлдик, дея,
Ўртамизга солмайлик нифоқ.
Биров бизни қилмас ҳимоя,
Гар бўлмасак ўзаро иноқ.

Аждодларнинг хок-пойи шунда,
Томир отган илдизлар чуқур.
Миллионлаб мендек мафтундан,
Бизга ўзга Туркистон йўқдир!

Кўкрак тутган бизга бир она,
Бу қисматга Туркистон шоҳид.
Фарзандига она парвона,
Онасига фарзанд муносиб.

Неча аср, неча минг йилдир,
Шу заминга пайваст баримиз.
Умр кечар гоҳ шод, гоҳ дилгир,
Бирга бўлдик ҳамиша, ҳаргиз.

Олма отсак, қўшнига отдик,
«Қайтим»ини олдик мунтазам.
Гилам сотсак, қўшнига сотдик,
Бир четида чўкдик хотиржам.

Тўйлар қилдик, тўйими тўй бўлди,
Қўйлар сўйиб, ёздик дастурхон.
Ким енг бўлди, кимлар бўй бўлди —
Ахир бунинг нимаси ёмон?!

Лекин тарих қилди ўз ишин —
Тарихлардан боблар ўчириб.
Бугун бошда яна бахт қуши,
Юбормайлик энди учириб.

Ўзил-кесил бир сўз айтайлик,
Йигит сўзи бўлсин ўша сўз.
Аслимизга аста қайтайлик,
Тегмас шунда асло ёмон кўз.

Аҳил бўлсак, барқарор бўлсак,
Ва туғ бўлса дилга ифтихор,
Оқар сувга айланур кўлмак,
Туркистонга етмайди озор.

Шодлигимнинг чеки йўқ, дўстим,
Пайғом олдим, олам — бир жаҳон.
Келаётир барчани қучгим,
Яна қайтмоқдадир Туркистон!

Муҳаммад ЗАЙНИДДИН.

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 12 сентябрь куни Япония-Ўзбекистон иқтисодий ҳамкорлиги бўйича қўмита раиси, «Мицуи» компанияси президенти Наохико Кумагаи бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

— Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги алоқалар ривожи янги босқичга кўтарилмоқда, — деди Ислом Каримов. — Иқтисодий ҳамкорлик бўйича мазкур қўмита аъзолари нафақат хусусий фирмалар, балки, ҳукумат идоралари вакилларидан ҳам иборат экани фикримнинг исботидир. Қолаверса, Япония тадбиркорларидан иборат бундай йирик делегациянинг илк бор Ўзбекистонга ташрифи ҳар икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янада равнақ топтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Шунингдек, мамлакатимиз раҳбари меҳмонларга Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёни, хусусан, хорижий сармоядорлар учун яратилган қулай шарт-шароит ва жаҳон талаблари даражасидаги кафолатлар ҳақида сўзлаб берди. Президент Ислом Каримов япониялик тадбиркорлар диққатини ҳамкорлик учун қулай имкониятлар мавжуд бўлган коммуникация, транспорт, қишлоқ хўжалиги, пахтани қайта ишлаш соҳаларига қаратди.

Наохико Кумагаи Япония ҳукумати ва тадбиркорлари Ўзбекистондаги ижобий ўзгаришларни доимий равишда кузатиб келаётганини айтиб, Президент Ислом Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар яхши самара бера бошлаганини таъкидлади. Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги қулай жойлашуви ва кенг иқтисодий имкониятлари ҳамкорлигимиз учун мустаҳкам замин бўлади, деди у.

Суҳбат давомида турли соҳалардаги алоқаларни янада ривожлантириш ҳамда ҳамкорликка кенг уфқ очувчи ахборот алмашиш соҳасини яхшилаш билан боғлиқ масалалар ҳам муҳокама этилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарлари У. Султонов, Б. Ҳамидов, Қ. Ҳаққулов, Ташқи ишлар вазири А. Комилов ва бошқа расмий кишилар иштирок этдилар.

Қабул чоғида Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Укэру Магосаки ҳозир бўлди.

(ЎзА).

*Қалбда қўри борлар*

## ЁШЛАР ПАХТАЗОРДА

Республика барча вилоятлари каби Қашқадарё воҳасида ҳам пахта йиғим-терими уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Бу сафарбарликдан вилоят ёшлари ҳам четда қолаётгани йўқ. Улар йиғим-терим мавсуми олдидан воҳадаги ёшларга қарата мурожаат қабул қилиб, Қашқадарёнинг 420 минг тонналик улкан хирмонига муносиб ҳисса қўшишга бел боғладилар.

Ёшлар Иттифоқи Ғузор, Косон, Қарши, Нишон, Баҳористон, Усмон Юсупов туман қўмиталари ташаббуси билан зарбдор отрядлар ташкил этилиб, ёшлар йиғим-теримда пахтакорларга кўмаклашмоқдалар.

Ёшлар Иттифоқи вилоят қўмитасида пахта штаби ташкил этилган, унга биринчи котиб Д. Аллаевнинг ўзи раҳбарлик қилмоқда. Штаб аъзолари ҳар куни зарбдор отрядларнинг фаолиятини, ҳашарга чиққан ёшларга яратилган шарт-шароитларни назорат қилиб турибдилар.

Хуллас, вилоятнинг 220 мингдан ортиқ Ёшлар Иттифоқи аъзоси 1995йил пахта ҳосилини йиғиб-териб олишда деҳқонларга мададкор бўлмоқда.

А. САМАРИДДИНОВ,
«Туркистон» мухбири.

*Иш билганга...*

## ЭРТАКЛАРДАГИ ШАҲАР

● Ургут мармарининг жилоси...
● Одамлар ғайратини яхшиликка бура олган ҳоким
● Дунёнинг бир чеккасидаги «жаҳон» бозори

МАЙИН куй таралади, уни кимдир берилиб тинглайди, куй ўз тингловчисини сарҳуш қилиб, авжига чиқади, юрак аввал аста-аста тепиб, сўнг забтига олгач, одамни беҳаловат қилгани каби кўзлар юмилар, руҳ бир дам бошқа заминга учиб кетгандай, борлиқ унутилар. Торлардан чиқаётган мунг секин тинади, аммо эшитувчи шу оламдан чиққиси келмайди, бутун умр, балки умрбод шунда қолмоқ истайди.

Бу куйни болаликда тинглагандирсиз ва олис тарихда қолган болаликни қўмсагандирсиз? Эҳтимол, энг фарруҳ кунда шу куй сизга ошно бўлгандир? Қайдам... Инсон бамисли дарёда оқаётган сувдек, ортга қайта олмайсиз, чунки у ёқдан ёпирилиб келаётган сув сизни ортга қайтмоққа қўймайди. Йўл фақат олдинга бошлайди...

Болалик саҳросидан ҳам бор-йўғи бир марта оқиб ўтасиз, тамом, қолгани олға ва олға... Саволлар ҳам беҳуда, шу важдан саҳролар узра шундай ажиб манзиллар қурингизким, токи уларни кўриб болаликни эслайлик, болаликни... Эҳ, эсиз болалик, қўлимда эканинг чоғи пайқамабман, энди эса неча армон қилурманки, сени қайта тутмоқ душвор экан...

Ногаҳон, сенга кўзим тушди, олислардан онам алласини эшитганим каби элас-элас дарвозани кўрдим. Туш эдими бу, ўнгимми, билмадим... Балким, дарвоза инсон умрининг бошланишидир, болаликка кириб келишдир. Шунинг учун Ургут дарвозасига келин-куёвлар гул қўйиб қайтишар, ахир умр довонининг эркин турмуш аталмиш палласига етган инсон болаликка таъзим этиши мумкин-ку.

Остонадан бошланар Ватан. Остона эса дарвоза-ю эшикларда бўлади. Остонадан бу ёғига бир қадам қўйсангиз Ватан, у ёғига бир қадам ташласангиз хориж. Ургут эса улуғ Ўзбекистоннинг бир кичик бўлаги, бир кичик эртакловчи гўшаси. Болалик эса эртакка айланиб



боргувчи беғубор инсон умрининг беташвиш чоғлари. Ургут — эртаклардаги шаҳар...

Дарвозанинг кираверишида чап томонда Ургут ойнаи жаҳони минораси қад ростлаган. Ўнг-у сўлда гоҳ дўкон, гоҳ дорихона, чойхона, қаҳвахона, меҳмонхона... Оддийгина эмас, номигагина ҳам эмас, шунчаки шаҳар кўрки учун ҳам эмас, балки абад учун қурилган бинолар. Дейдиларки, уй қурсанг ўлмайдигандек бўлиб қур. Зеро, умр чегараланган, аммо одамга ато қилинган ақл, инсоф, диёнат, муҳаббат чегараланган эмас.

Ўймакорлик, тоштериш, ганчкорлик, рассомлик, дурадгорлик — булар оддий касб номлари. Агар, йўлга тош терилган бўлса, «ҳа, энди бир эринмас одам тер тўкибди-да», деб ўтиб кетасиз. Мабодо, йўлдаги тошда Семурғ қуши самога парвоз қилаётганлиги, чор тарафда булбуллар сайраб, қалдирғочлар тизилишиб турганлиги аниқ, худди гиламдагидек, йўқ, гўё ҳаётдагидек акс этган бўлса-чи?.. Тоғда шарқираб сув оқиб тушаётганлиги, унинг қирғоқлари кўм-кўк дарахтзор ила бурканганлиги ҳам, тип-тиниқ сув ичра ранг-баранг тошлар гўзал манзара бераётганлиги ҳам сизни беэътибор қолдирмаса керак. Ким билсин, инсонга яратгандан ато қилинган ҳунарни санъатга айлантириш учун қанча меҳнат талаб қилинаркан? Ана шу, касбини санъат деб билгувчи дили пок, қўли гул инсонларни топиб, улар санъатини намойиш этиш учун шароит яратиш мақсадига қанча саъй-ҳаракат кетаркан? Маблағи бор, унча-мунчага қурби етадиган одамларнинг бошини қовуштириб шаҳар бунёд этишга-чи? Шаҳарнинг келгуси қиёфасини аниқ кўра билишгачи?..

### ЖАМОЛ БОБОНИНГ ДУОЛАРИ

Жамол бобонинг дуолари, дедик, аслида Жамол бобога аталган дуолар десак тўғри бўлар. Олтин олма, дуо ол, дуо олтин эмасми. У олтин. Нега? Чунки, пул ва бойлик инсонга шу тирикчилигида асқотса, дуо оламдан кўз юмгач... Биз Жамол бобони бошдан-оёқ зарга бурканиб яшади, дейишга ҳаққимиз йўқ, чунки 12 фарзандни оқ ювиб, оқ тараш, ўзбекона тўй... Қолаверса, ўзбек ўзига бир уй қурмаса, кўнгли жойига тушмайди. Лекин Жамол бобо табаррук 73 ёшигача турли соҳаларда ишлади, асалчилик ва чорвачилик билан қизиқди. Қурилишга ҳам ҳаваси бор эди. Ўғиллари Аҳадбек, Аминжон, Наимжон, Азимжон, Ҳайёмжон, Қиёмжонларни элга, Ватанга хизмат руҳида тарбиялаб, вояга етказди. Улар билан биргаликда Ургутдаги бир ярим гектар жойни эгаллаган эски ҳаммом биносини сотиб олди.

(Давоми 2-бетда).

*Дил сўзи*

## ҚАТОРДА НОРИНГ БЎЛСА...

Азиз муштарий!

Дийдорлашмаганимизга ҳам уч ойдан ўтди. Албатта, сиз бунинг сабаблари билан қизиқаётган ва табиийки, бу сабабларни ўз оғзимиздан эшитишни истаётган бўлишингиз шубҳасиз.

Сабаблари кўп. Лекин асосий сабаб, бу молиявий аҳволимизнинг бироз оғирлашганлиги бўлди. Апрель ойи ўрталаригача, ҳафтасига муттасил икки мартадан чиқиб турган газета биттага тушди ва сал ўтмай... Бу ёғи ўзингизга маълум. Молиявий аҳволни яхшилаш учун тегишли чоралар кўрила бошланди. Матбуот соҳасида кўп йиллар ишлаган ва ишлаётган устозларимиз, шу соҳа мутахассислари, бизга ҳамдард бўлган иқтисодчилар, қолаверса, муассисимиз — Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг масъул ходимлари ўз фикр-мулоҳазалари, амалий маслаҳатлари билан ёрдамга келдилар.

Қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди, деган гап тўғри экан. Муҳмал ва мужмал масалалар ойдинлашиб, ишларимиз юришиб кетди. Биз мурожаат қилган катта-кичик ташкилотлар қўлдан келганча баҳоли қудрат кўмаклашажакларини билдирдилар. Айниқса, мамлакатимизнинг нуфузли ташкилотларидан ҳисобланмиш Республика Жамғарма банкининг «Туркистон» газетасига ёрдами елкамиздаги оғир юкдан бизни халос этгандек бўлди.

Ёрдам қиламан, ҳомийлик қиламан деган ташкилотлар яна талайгина. Зеро газета беш-ўн кишиники бўлмай, балки барчаники, бутун мамлакат ёшлариники эканлигини улар чуқур ҳис қилиб туришибди

Бас, шундай экан, биз нега руҳан тушайлик. Аксинча, ўтган уч ой биз учун сабоқ бўлди, катта дарс бўлди. Бозор иқтисодиёти нима эканлигини амалда ҳис этдик, ўзимизга хулоса чиқардик ва яна шуни билдикки бирлик ва ҳамдамлик бор жойда, эзгу ниятлар асло завол топмайди.

Биз илгаригидек сиз, азиз муштарийлардан хат-хабарлар, ажойиб - ажойиб мақолалар кутамиз.

«ТУРКИСТОН» ТАҲРИРИЯТИ .

## ОРОЛ МУАММОСИ: УНИНГ КЎЛАМИ ВА ҲАЛ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

***Яқинда Нукусда БМТ ҳомийлигида Орол денгизи муаммоларига бағишланган халқаро конференция очилади. Шу муносабат билан ЎзА мухбири Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари, Қорақалпоғистон Жўғорғи Кенгеси Раиси Уббиниёз Аширбековга мурожаат қилиб, бу халқаро анжуманда қандай масалалар муҳокама қилиниши ҳақида сўзлаб беришни сўради.***

(Давоми 2-бетда)

*Ёшлар Иттифоқида нима гап?*

## «ТУРКИСТОН — АМЕРИКА» ЖАМИЯТИ



Ўзбекистон Мустақиллигининг тўрт йиллиги байрамида иштирок этиб, АҚШда фаолият кўрсатаётган «Туркистон — Америка» жамияти фаолларидан бир гуруҳи хорижлик ватандошлар, сармоядорлар юртимизда бўлаётган ўзгаришлар билан танишиш шарафига муяссар бўлдилар. Республика корхона ва ташкилотлари, ижодий гуруҳлар, маданий-маърифий муассасалар фаолияти билан танишув чоғида меҳмонлар ўзларида йўқ шод эканликларини баён этиб, юртимиз жамолининг янада чирой очишига ишонч билдирдилар.

Шундай учрашувлардан бири Ўзбекиситон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасида ҳам бўлиб ўтди. Дўстона мулоқот чоғида республика Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси биринчи котиби Алишер Тешабоев ташкилот олиб бораётган ишлар, ёшларнинг жамият олдидаги бурчлари ҳақида йиғилганларга гапириб берди. Шунингдек, учрашувда ҳозир бўлган Ўзбекистон халқ артисти, ёшларнинг севимли устози Зикир Муҳаммаджонов, хассос шоир Нормурод Нарзуллаев, «Сирли олам» журнали бош муҳаррири Ҳожиакбар Шайхов, «Ёш куч» журнали бош муҳаррири Ҳ. Дўстмуҳамедовлар ҳам хорижлик юртдошларни диёримизда кўриб туришганидан беҳад шод эканликларини баён этишди.

Сўзга чиққанлар «Туркистон — Америка» жамиятининг президенти Нўъмон Ўқуён Ўзбекистон мустақиллиги уларга куч бағишлаётганини таъкидлаб ўтди. Жамият вице-президенти ҳамда АҚШ бўйича мутахассиси Раззоқ Шарқий, Марказий Осиё бўйича мутахассис Бурхон Ўқуён, Диний ишлар бўйича вакил Муҳаммад Амин Шерхон, Колумбия университетининг профессори Убайдулла Нурота, жамиятнинг фахрий президенти Неъмат Бегишлар ҳам юртимиздаги буюк ўзгаришлар уларни бефарқ қолдирмаётганлигини қайта-қайта уқтирдилар. Жамият аъзолари мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг «Туркистон — умумий уйимиз» шиори остида иш юритаётганлиги туркистонликларнинг кўп йиллик орзуси эканлигини баён этишди.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган учрашув сўнггида хорижлик юртдошларимизга эсдалик совғалари ҳадя этилди, ёш санъаткорлар иштирокида қисқа концерт дастури ижро қилинди.

*СУРАТДА: Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасида бўлиб ўтган маросимдан бир лавҳа.*

Матн ва суратлар
Муҳаммад АМИНники.

# ҲАЯЖОНЛИ ТЎРТ КУН

## ЁКИ ТОШКЕНТ — ТЕМУР СЕВГАН ЮРТ

### АМИР ТЕМУР ИЛМИЙ ЭКСПЕДИЦИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ БЎЙЛАБ САФАРДАН ҚАЙТИБ КЕЛДИ

Тонг. Кўнгил ёруғ бир оламга бўйламоқда. Дилда ажиб шукуҳ. Гўё аҳллар осмондек мусаффо. Келаётган кунлар гўдакнинг той-тойидек қутлуғ эди. «Ўзэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси. Карнай-сурнайлар. Тумонат одам. Қувончдан юрак ҳаприқади...

Ўша куни Абдуманноп Алимбоев бошлиқ бирлашма маъмурияти «Амир Темур илмий экспедицияси»нинг аъзоларини Тошкент вилояти бўйлаб сафарга кузатиш учун йиғилганларга наҳорги ош тарқатишди. Ўтганлар руҳига дуои фотиҳа қилинди. Сўнг экспедиция аъзоларини кузатиб қолишди. Ҳаяжонли тўрт куннинг биринчи куни бошланди.

БУ ЙЎЛ ХАЁЛОТМАС, МОЗИЙ МЕҲВАРИ

Кўкча. Шайх Зайниддин бобо қабристони. Келиб кетувчилар кўп бўлмаса-да, оз ҳам эмас. Тошкентдаги улуғ қадамжолардан бири ҳисобланади бу ер. Ул зот асли бағдодлик бўлиб, тасаввуф илмининг етакчиларидан. Манбаларда айтилишича, Амир Темур бу ерга бир неча марта ташриф буюрган. Мақбара қурдирган. Қадамжо мутаваллисининг гувоҳлик беришича, бу ерда расадхона ҳам бўлган экан. Кичик гумбаз шаклидаги ҳужрага кирдик. Ўртада улуғ шайхнинг қабри. Оддий ва сипо. Ўтганлар руҳига Қуръон тиловат қилинди. Дилимиз ёруғ бир ҳидоятдан равшан тортди. Жувонмард боболаримизни англай бошлаганимизга имон келтирдик. Қайтаётиб яна бир ҳужрага кирдик. Ичкари кенг бўлмаса-да, ёруғ ва шинам. Бурчакда бир одам сиғадиган ер остига кетган туйнук. Мутаваллининг айтишича, бу ердан Хастимом масжидига борадиган ер ости йўли бўлган. Лекин у ҳозирда қай аҳволдалиги номаълум. Ҳеч ким бу йўлдан бориб кўрмаган экан.

Ўтмишимизни, боболаримизни биздан қанчалик беркитишмасин, гўрдан олиб лойга, ундан балчиққа белашмасин барибир у ўзининг салоҳиятини дунёга кўрсатаверди. Кимлигимизни муқаддас сиймоларида қилган ишларида намойиш этаверди. Алалоқибат биз ҳам ул зиёдан баҳраманд бўлмоқдамиз. Ғубор босган руҳимиз тозаланмоқда. Ўша куни экспедиция аъзолари Занги ота мақбарасини ҳам зиёрат қилишди. Ривоят қилишларича, Соҳибқирон Аҳмад Яссавий мақбарасини қуришга фармон берибди ва ўзи ҳам шу юмушга бош-қош бўлибди. Лекин уч кун мобайнида бир хил ҳолат такрорланибди: усталар ғиштларни териб чиқишса, эртасига эрталаб сочилиб ётганини кўрармиш. Амир Темур бундан жуда дарғазаб бўлибди. Бир кун туш кўрибди. Тушида бир муйсафид «олдин Занги отанинг мақбарасини қур, кейин буни» дебди ва «бир туяни мана шу ердан қўйиб юборасан, қаерга бориб йиқилса ўша ердан мақбара қурасан» деб кўздан ғойиб бўлибди. Шу тариқа Занги ота мақбараси вужудга келган экан.

Умр — оқар дарё. Кимдан боғ, кимдан доғ қолади. Бу минг йиллар давомида исботланиб келинмоқда. Аммо улуғлар қилган иш инсониятни ҳамиша ёрқин манзиллар сари етаклаган, чорлаган. Бу йўллар хаёлнинг манзиллари эмас, балки мозийнинг меҳвари эканлигини дилдан ўтказдик... «Ўзэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан ажратилган автобус Янгийўл туманига кириб келганида, қуёш заминга энг сара нурларини сочаётган палла эди. Бу ерда туман меҳнаткашлари ва кексалари билан учрашув бўлиб ўтди. Амир Темурга боғлиқ бўлган қишлоқ ва манзиллар ҳақида сўз юритилди.

ИЗЛАРИНГНИ ИЗЛАДИМ ГИРЁН

Экспедиция аъзолари қаерга қадам ранжида қилса, ўша ерда шоду-хуррамлик билан қарши олинди. Биз элнинг буюк бобомизга бўлган ҳурматини ич-ичимиздан ҳис қилдик. Қалб водийимизда беҳишт шабадалари эсди.

Чиноз тумани Амир Темур жамоа хўжалигидаги учрашувларда айниқса, буни ҳис қилдик. Шеърлар, қўшиқлар, рақслар ижро этилди. Энг муҳими, шу ерлик аҳолининг ва айниқса «Чиноз тонги» газетасининг муҳаррири Ҳамроқул Сулаймоновнинг кўмагида тарихда «Лой жанги» номи билан машҳур бўлган манзилни зиёрат қилганимиз бизда катта таассурот қолдирди. У Сирдарёнинг шундоққина биқинида экан.



Кейинги уч-тўрт йил ичида Амир Темур ҳақида жуда кўп гапирилмоқда. Бу яхши. Лекин... Афсуслар бўлсинки, ул зот қурган ва ёки қайта қурган шаҳарларнинг, қўрғонларнинг, қишлоқларнинг кўпчилигини биз ҳали билмаймиз. Аммо казо-казо империяларни, князу-князчаларни ипидан игнасигача ўрганганмиз. Улар ҳарб илмини кимлардан олганлигини энди-энди англаяпмиз, ўқияпмиз. Оққўрғонда ўқитувчи ва тарбиячилар билан бўлган мулоқотда шу ҳақда гапирилди. Шундан сўнг 5 мингдан ортиқ киши ётган муқаддас қадамжо зиёрат қилинди.

Шоҳруҳия — Мовароуннаҳрнинг қадимги марказий шаҳарларидан бири. Чингизхон вайронидан сўнг Соҳибқирон қайта тиклаган, Сирдарёнинг ёнида. Ҳозир-да хароба. Бизни у ерда археология институтининг етакчи ходими, «Шоҳруҳия» археологиясининг бошлиғи Валерий Иванович Набаков қарши олди. Миқтидан келган бу қария билан суҳбатда бўлдик.

— Валерий Иванович қачондан бери бу ерда ишлаяпсиз?

— 1983 йилдан бери.

— Нималарни аниқладингизлар?

— 9 асрга оид ойна қодиқларини топдик. Бу эса шаҳарда ойна ишлаб чиқарилган дейишга асос беради. Яна Амир Темур ва Улуғбекка тегишли 5 мингдан ортиқ тангалар. Хуллас, аниқлаган нарсаларимиз кўп. Лекин ҳаммаси ҳақида гапиришга вақт бор ҳали.

— Тилло ҳам топгандирсизлар?

— Ҳалича йўқ. (кулади).

— Қидирув ишлари тугагандан кейин нима қилмоқчисиз?

— Бир қанча фирмалардан эски шаҳарни қайта қуриш таклифи тушаяпти. Мен ҳам шунинг тарафдориман. Чунки бу Темурдан қолган ягона шаҳарнинг умумий кўринишидир. Ярмидан озроғини Сирдарё ювиб кетган бўлса-да. Шу ерда қолмоқчиман. Албатта ишлар мен айтгандек юришса.

Олим билан шу ерда суҳбатни тўхтатиб Шоҳруҳия кўчалари бўйлаб юра бошладик. Валерий аканинг айтишича, бу кўчалардан Амир Темур, Улуғбек, Бобур, Шайбонийхонлар ўтганлиги ҳақида маълумот ва уларга тегишли асори-атиқалар мавжуд. Буюк боболарнинг изларидан одимлаётганимиздан юрак бежо, қалб ҳаприқади. Дунёда мустақиллик, эрк деган неъматларнинг борлигига имон келтирамиз. Билакс ғурури баланд элнинг фарзандлари эканлигимизни бот-бот хаёлдан ўтказамиз. Ўша куни ҳеч кимнинг Шоҳруҳиядан кетгиси келмай қолди. Гўё излаган ушоғини топган дарвешдек биз ҳам шу муқаддас маконга ошуфта бўлиб қолдик. Лекин, начора ҳали олдинда манзиллар муштоқ эди.

ТОШКЕНТ ТЕМУРНИНГ ЮРТИ...МИ?

Бизнинг энг буюк хатоларимиздан бири маҳаллайчилик. Бу кўп айтилган. Экспедиция аъзолари Оҳангарон ва Паркентдаги кўпгина учрашув ва мулоқотларда Темурнинг туғилган жойи ҳақидаги саволга кўп марталаб жавоб беришга тўғри келди. Хўш, буюк бобокалонимизнинг қаерда туғилганлигининг бизга нима қизиғи бор? Ўзбекистонда-ку. Америкада эмас-ку? Гапнинг индаллосини айтганда, майда-чуйда нарсалар устида тортишиб юргандан кўра буюк боболаримизга, уларнинг қилган ишларига муносиб фарзанд бўлайлик. Зотан, бир-биримизга Тошкент Темурнинг юртими, деб савол бериб юрмайлик. Бу эса чироқ ёқиб гугурт қидиргандек гап.

Экспедиция ҳаяжонли тўрт кундан сўнг Тошкентга қайтиб келди. Биз унинг барча жабҳалари тўғрисида батафсил тўхтала олмадик. Шу боис сафарда қатнашган олиму-фузалолар ўз сўзларини айтади деган умиддамиз.

Тўлқин РЎЗИЕВ,
«Туркистон» мухбири.




# «КАПИТАЛ» ВА «КАПИТАЛ-ЛЮКС» ОМОНАТЛАРИ — БУ СИЗНИНГ ДАРОМАДИНГИЗ!

*«Капитал» ва «Капитал-люкс» омонатлари бўйича даромад ҳар ойда 9 фоиздан тўланади ва бу фоизлардан Сиз тўлиқ ёки қисман олиб фойдаланишингиз мумкин. Бундан ташқари бу омонатларни пул ўтказиш йўли билан ҳам очишингиз мумкин.*

*«Капитал» омонати 1 йил муддатга очилади ва энг кам миқдори 1000 сўм. Бу омонат бўйича фоизларни 1 йил давомида олиб ишлатмасангиз Сиз 180 фоиздан юқори даромад оласиз.*

*«Капитал-люкс» омонати 6 ой муддатга очилади ва энг кам миқдори 3000 сўм. Бу омонат бўйича Сиз жорий ой учун фоизларни олдиндан олиб фойдаланишингиз ва истаган миқдорингиздаги қўшимча пулни қўйишингиз мумкин.*

*Тўлиқ маълумотларни Жамғарма банкининг исталган муассасасидан ёки қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин: 45-66-43; 33-51-95;*

# КЎРСАТУВЧИГА БЕРИЛАДИГАН ОМОНАТ ТУРИНИ ОЧСАНГИЗ — СИЗ КЎПГИНА МУАММОЛАРДАН ХАЛОС БЎЛАСИЗ

Бунда қуйидаги афзалликлар мавжуд:

— омонатнинг сирлиги тўлиқ сақланишига кафолат берилади;

— пул қўйиш ёки олиш учун омонатчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат талаб қилинмайди, исми-шарифи омонат дафтарчасида, ҳамда бошқа ҳужжатларда ёзилмайди.

Кўрсатувчига бериладиган омонат бўйича йилига 30 фоиз миқдорида даромад тўланади.

*Қўшимча маълумотларни Жамғарма банкининг исталган муассасасидан ёки қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин:*

*45-35-49; 45-66-43; 33-51-95;*

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМҒАРМА БАНКИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМҒАРМА БАНКИНИНГ АСОСИЙ ХИЗМАТ ТУРЛАРИ:

*— ҳар хил жамғарма турлари*
*— нақд пулсиз ҳисоблашиш ва пул ўтказиш*
*— иш ҳақини жамғарма банки муассасасалари орқали тўлаш*
*— қимматбаҳо қоғозлар билан олиб бориладиган муомалалар*
*— ҳисоб чеклари ва чек дафтарчалари очиш*
*— валюталарни олди сотди қилиш*
*— уй-жой қуриш ва турар жойни таъмирлаш учун қарз бериш*
*— ҳужжат ва қимматбаҳо нарсаларни шахсий сейфларда сақлаш*
*— аҳолидан тўловлар қабул қилиш ва бошқалар.*

## ЖАМҒАРМА БАНКИ ҚУЙИДАГИ ОМОНАТ ТУРЛАРИНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:

— талаб қилиб олинадиган омонат
— муддатли омонатлар: 1 йилдан 3 йилгача, 3 йилдан 5 йилгача, 5 йилдан юқори
— мақсадли болалар омонати
— депозит омонати
— қисқа муддатли депозит омонатлари
— кўрсатувчига бериладиган омонатлар
— махсус уй-жой ссуда-жамғарма омонати
— «Капитал» ва «Капитал-люкс» омонатлари

Сизнинг пул маблағингизнинг сақланиши фақат Жамғарма банки муассасаларидагина давлат томонидан ишончли ҳимоя қилинган ва кафолатланган.

## ҚИСҚА МУДДАТЛИ ДЕПОЗИТ ҲИСОБИ — СИЗГА ҚИСҚА МУДДАТДА ФОЙДА КЕЛТИРАДИ!

бу омонат ҳисоблари:

— 3 ой муддатга омонатнинг энг кам миқдори 300 сўм бўлганда 30 фоиз миқдорида даромад тўлаш шарти билан;

— 6 ой муддатга омонатнинг энг кам миқдори 200 сўм бўлганда 60 фоиз миқдорида даромад тўлаш шарти билан;

— 12 ой муддатга омонатнинг энг кам миқдори 100 сўм бўлганда 120 фоиз миқдорида даромад тўлаш шарти билан очилади.

Қисқа муддатли депозит ҳисоблари бўйича омонат фақат нақд пул билан очилади.

*Тўлиқ маълумотларни Жамғарма банкининг исталган муассасасидан, ҳамда қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин: 45-35-49; 45-66-43; 33-51-95;*

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМҒАРМА БАНКИ*


# ОТАСИ

## ЁКИ ҲАРБИЙГА ЙИГИТ БОРАДИ

Маҳмуд ота пиёласидаги совуб қолган чойни бир кўгардию, елкасидаги даструмолни шаҳд билан олиб, ҳавога силтади. Унинг аҳволи энди менга аён эди. Фақат...

Фақат ўсиқ қошлар остидаги ботиқ кўзлардан сизаётган ёш тўхтамас эди. Эркак кишининг кўз ёш тўкишидан оғирроқ нарса йўқ экан деб ўйладим ўзимга. Аёл киши... Уларнинг йўриғи бошқа!

«ҲАРБИЙГА ЙИГИТЛАР БОРАДИ»

Ўша куни маҳаллада иккита ўсмирни ҳарбийга кузатиш олдидан юртга ош тортилди. Бу ёғи ўзбекчилик: панд-насиҳат, дуойи-фотиҳа дегандай. Ошга келганлар орасидан бир киши кўпчиликни оғзига қаратиб ўзича мақтаниб қолди:

—Ўғлим ҳозир савдо билан шуғулланяпти, икки марта «загранице»га бориб келди. Уртоқлари бир йил-ярим йил хизматларини ўтаб қайтгунча, ўғлимга гижинглаган «Мерседес» олиб бераман...

Башарасидан яхши инсонмаслиги «мана-ман» деб турган бу одам даврадагиларнинг аксариятини камситаётганлигини биларди, менимча. Лекин, атайин гапирди. Даврага муз кирди.

Маҳмуд ота оғзидаги носни бир четга тупуриб олди-да, ўша «бойвачча»нинг нақ тепасига бостириб борди. Ҳамма ғалати бир томошани кутиб турарди. Маҳмуд ота қаттиқ-қаттиқ овозда бояги одамни йиғлганларга таништирди, иш жойини, лавозимини айтди.

— Лекин, ука, бугунги гап-сўзларингиз билан кўпчиликнинг жиғига тегиб қўйдингиз, юртнинг таомилига қарши юряпсиз. Одатда, сафарга чиқиб кетаётган кишига омонлик, сабр тилаш расм эди бизда. Қўшнимизнинг ўғли турп сотиш учун бозорга кетмаяпти шекилли. Ҳарбий хизматга. Сизу менинг, манаву ўтирган мўминларнинг тинчлик-осойишталигини қўриқлагани, эркак киши бўлгани учун кетяпти. Туппа-тузук одам деб юрувдим сизни. Адашибман, ука. Белингизда белбоғ борми ўзи?

«Бойвачча» каловланиб қолди. Ранги-рўйи ўзгариб, қўлларига титроқ кирди. Боягина керилиб ўтирган киши бир зумда айб иш қилиб қўйган болакайнинг аҳволига тушиб қолди.

— Халойиқ, ҳаммангнинг саводинг етарли, тўғрими? Мана энди алоҳида давлатмиз. Давлатимизни четдан келганлар ҳимоя қилиб берадими, ўзимизми? Ҳа, балли! Ундай бўлса, нега манавунга ўхшаган бузғунчи, сувюқмас одамларнинг гапига жим қараб ўтирибсанлар?

Ота жаҳл билан носвой отди. Мўйлови титраб, «бойвачча»га тикилди:

— Ҳарбийда бўлганмисан ўзинг?

—...

Халқ орасидан кимдир «бормаган хизматга, отасиям уруш пайтида паранжи ёпиниб қочиб юрган эди», — деди баралла.

— Бўлмаса: ука, ўнг қулоғинг билан ҳам, чапи билан ҳам эшитиб ол: ҳарбийга йигит киши боради! Бундан кейин сен эркакларнинг ишига аралашма!

Тўпланганлар хизматга кетаётган йигитларга «оқ йўл» тилашиб, дуога қўл очишди.

СЎНГГИ СЎЗ ЎРНИДА

*Ёзганларимдан ёзмаганларим кўп. Фарғона шаҳридаги Қори Ниёзий кўчасида, 67-уйда яшовчи Маҳмуд ота Асқаров билан узоқ бирга бўлдим. Фарзандини бериб қўйган, аммо эркаклик ғурурини ҳамиша ва ҳар нарсадан устун қўювчи аскар отаси — Маҳмуд отага бўлган меҳрим ошиб кетди. У кишининг ўша кунги маросимда айтган сўзларини ён дафтаримнинг кўринарли ерига катта-катта ҳарфлар билан ёзиб қўйдим:*

*«Ҳарбийга йигитлар боради!»*

**Рустам БОЙ МУҲАММАД,**
**«Туркистон» мухбири.**

# МАКТАБНИНГ ҚУТЛУҒ ЁШИ

Муҳаммад Шариф Сўфизода номидаги 33-мактаб нафақат Тўрақўрғон тумани, балки Фарғона водийсидаги қадимий билим масканларидан биридир. Куни кеча ана шу мактабнинг 75 йиллиги тантанали нишонланди.

Тақдир тақазосига кўра Шаҳанд қишлоғига келиб қолган чустлик маърифатпарвар шоир Сўфизода 1919 йили шу ерда илк жадид мактабини очиб, болаларни ўқита бошлайди. Бир йил ўтиб, бу мактаб Нажмиддинбой меҳмонхонасига кўчирилади ва замонавий билим даргоҳи мақомини олади.

Мактаб ҳовлиси шу куни халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилаётган собиқ ўқувчилар билан тўлди. Улар мактабнинг тарихи ва бугунги ҳаёти акс эттирилган кўргазма билан танишдилар. Бир пиёла чой устида қизғин суҳбат бўлди, фахрийлар, илғор ўқитувчиларга халқ таълими вазирлиги, вилоят ва туман ҳокимлиги, жамоа хўжаликлари, тадбиркорларнинг фахрий нишон, ёрлиқ ва совға-саломлари топширилди.

Таниқли болалар шоирлари Турсунбой Адашбоев билан Анвар Обиджон йиғилганларни мактабнинг қутлуғ тўйи билан муборакбод этди.

Тўрақўрғон тумани ҳокими Омонулла Исматуллаев мактаб жамоасига ҳокимликнинг совғаси — замонавий компьютер мажмуини топширди. Собиқ ўқувчилар — ҳомийлар ёрдамида нашр этилган «Сўфизода номидаги мактаб» китоби тадбир иштирокчиларига эсдалик сифатида тарқатилди.

(ЎзА).


# «ТУРКИСТОН ЁШЛАРИ» — ТЕЗ ЁРДАМ

*«ТУРКИСТОН» газетаси таҳририяти республикамиздаги барча ташкилот ва корхоналар ҳамда жамоаларнинг реклама ва эълонларини чоп этади.*

*АГАР Сиз реклама ва эълонларингизни «Туркистон» газетасида чоп эттиришни хоҳласангиз қуйидаги телефонларга қўнғироқ қилинг.*

*33-79-69, 36-58-48*

*БИЗ Сизнинг эълон ва рекламаларингизни энг арзон, энг сифатли ва имтиёзли тарзда газетамизда чоп этамиз. Сизга ўз шеригингизни топишда ёрдам берамиз.*

